



ГАРОВДАГИЛАР ОЗОД КИЛИНМОҚДА

Чеченистонда жангарилар томонидан гаровга олинганларни озод қилиш тadbирлари кенг қўлми харбий операция тугагандан кейин ҳам давом этади. Россия Президентининг ёрдамчиси Сергей Ястржембский бу ҳақда журналистларга маълум қилиб, деярли ҳар куни гаровдагилар озод қилинаётганини айтди. Жумладан, ўтган куни доғистонлик бир милиционер озод қилинган.

Унинг айтишича, Шимоллий Кавказда 1992 йилдан буён 1790 киши ўғирланган ва шу кунгача уларнинг 892 нафари озод қилинган.

ЎЙДИРМАМИ, ЁКИ?

Россия атом энергетикаси вазирлиги вакили «Берлинер цайтунг» газетаси тарқатган «Париж билан Москва Россия ҳудудига радиоактив моддалар қолдиқларини кўмиш ҳақида махфий музокара ўтказилди» мазмунига хабарни одатдаги уйдирма, деди.

Вазирлик Франциянинг «Кожема» концерни билан 25 йилдан буён атом қуватидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш борасида ҳамкорлик қилиб келади, дейилади мазкур хабарда.

БУЮК КАРЛ МУКОФОТИ

Германиянинг Аахен шаҳри томонидан таъсис этилган Буюк Карл мукофоти кўмитаси АҚШ Президенти Билл Клинтонни тақдирлашга қарор қилди. У Шимоллий Ирландия ҳамда Косово можаросини ҳал қилиш борасидаги саъй-ҳаракатлари учун ушбу мукофотга лойиқ деб топилди.

Мазкур йиллик мукофот 1950 йилдан буён Европани бирлаштиришда фаол иштирок этган шахсларга берилиб келади.

ХАРБИЙ САВДО АЛОҚАЛАРИ

Ўзаро келишувга асосан, Украина Россияга охириги иккита «ТУ-160» русумли бомбардимон самолётини етказиб берди. Бу билан уч ой мобайнида Украинанинг Россияга етказиб берган «ТУ-160» ҳамда «ТУ-95МС» русумли самолётлари 11 тага етди. Уларнинг баҳоси 275 миллион АҚШ долларига тенг.

ПАНЖА ИЗЛАРИН КИДИРИБ

Ҳиндистоннинг Фарбий Бенгалия штатида ҳайвонлар рўйхатга олинмоқда. Ҳозиргача 860 та йўлбарсининг панжа изларидан нусха олинди. Мутахассисларнинг фикрича, бу ерда йиртқичлар сони кутилгандан ҳам кўп.

ПАРТИЯ ВА ҲАЁТ

Аввалги йиллар, очиги, Ўзбекистон ХДП Таҳиатови шаҳар кенгашининг ташкилий, тарғибий-ташвиқий ишлари, иш юритиш услублари қониқарли эмасди. Шаҳар партия кенгашининг иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришдаги иштироки масаласи республика партия кенгаши ижроия бюроси мажлисида кўриб чиқилди. Камчиликларни бартараф этиш бўйича тавсиялар берилди. Жамоа танқиддан тўғри хулоса чиқарди. Ишларни жонлантириш бошланди.

Биз тилга олмоқчи бўлган Дадабой Дурдиев ўша пайтда партия кенгаши котиби эди. У биринчи котиб билан бамаънаҳат иш юритиб, барча юмуш ва тadbирларда ташаббускор бўлди.

Мана, йиллар ўтиб Таҳиатови шаҳар партия ташкилоти намунага айланди. 1997 йилда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ташкил қилган, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Хоразм вилояти шаҳар ва туман кенгашлари биринчи котибларининг минтақавий семинар-кенгаши иштирокчилари шаҳарнинг қатор жойларида бўлиб, ташкилот ишлари ва тажрибалари билан танишуви ҳам бежиз эмас.

1998 йили Дадабой Амановични Марказий Кен-

ГОЛИБЛИК ШОҲСУПАСИДА

ташнинг «Эҳтиром китоби»га тавсия қилиб янгилашмаган экан. Гапнинг очиги, шу вақтда шаҳар партия кенгаши, шу жумладан, котиб Дадабой Амановичнинг умумий партиявий ишларини намуна қилиб кўрсатишга ҳали эртарақ эди. Лекин, республика партия кенгашида унга бўлган ишонч, келгуси ишларига умид ва унинг интилишлари ҳисобга олинди.

Ушайли Ўзбекистон ХДП марказий нашрлари — «Ўзбекистон овози», «Голос Ўзбекистана» газеталари ва «Мулоқот» журнаliga обунани ташкил қилишда шаҳар ва туман партия кенгашлари орасида Таҳиатови

шаҳри голиблар қаторидан ўрин олиб, Марказий Кенгашнинг Фаҳрий ёрлиғи ва пул мукофотларига сазовор бўлди. Ўтган йилда ҳам обуна бўйича голибликни қўлдан бермади.

Д. Дурдиев 1999 йили шаҳар партия кенгашининг биринчи котиби этиб сайланди. Сарқотиб бўлгандан кейин ҳам олдингидек, партия ишида оммавий ахборот воситалари билан

яқин ҳамкорликда ишлаш удумига таянди.

2000 йил учун ХДП нашрларига обуна яқунда яна Таҳиатови шаҳар партия кенгаши Қорақалпоғистон Республикаси бўйича энг яхши кўрсаткични эгаллади. 2000 йил учун обуна 1999 йилга нисбатан «Ўзбекистон овози» 75 нусхага, «Голос Ўзбекистана» 149 нусхага, «Мулоқот» 60 нусхага кўпай-

ди. Аммо, шаҳар партия фаоллари, маърифатпарварлари бу билан қониқиб ҳосил қилмади. Обунани яна давом эттирмоқдалар. Шуларни ҳисобга олиб, Қорақалпоғистон республика партия кенгаши Таҳиатови шаҳар кенгашини Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашига рағбатлантириш учун тақдим қилди. Марказий Кенгаш Котибиятининг 2000 йил учун обуна яқунда бўйича чиқарган қарорига кўра, Таҳиатови шаҳар кенгаши биринчи ўринга тегишли Фаҳрий ёрлиқ ва пул мукофотини олишга мушарраф бўлди. Бу билан учинчи йил яна голиблик байроғини сақлаб қолди.

— Бу ютуқлар, Дабобойнинг гапи ҳақ. Лекин, бу ишларнинг ташкилотчиси асосан биринчи котибининг ўзи. Унинг обрўйи, партия фаоллари ва аъзоларини орқасидан эрғаштира олиши боис йиллар давомида голибликни қўлдан бермай келаётди.

Ўзбекистон ХДП Дастурида қўзланган мақсадларни ҳаётга татбиқ қилишда Таҳиатови шаҳар партия кенгаши оммавий ахборот воситаларига суяниши бежиз эмас. Зеро, маънавий воситалар барча галабаларга йўл кўрсатади.

авваламбор фаолларимизнинг, шаҳар ҳокими Мурадбой Жумабоевнинг (олдингги ЎзХДП шаҳар кенгаши биринчи котиби) меҳнатлари самарасидир, — дея изоҳлайди биринчи котиб Д. Дурдиев. — Бу ишда «Таҳиатовидон» ҳиссалдорлик жамияти раиси Хужабой Худойбергандов, бошланғич партия ташкилоти котиби Нурмахан Тангатаров, 4-касб-хунар билим юрти директори Бахтиёр Таиров, 3-касб-хунар билим юрти директори Курбондурди Сарибоев ва бошқаларнинг ҳиссаси қатга бўлди.

■ **Алписбой ИБДУЛЛАЕВ,** Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши мафқуравий ишлар бўлими мудирини



Сурагта: андижонлик ЎзХДП фаоллари мулоқотда.

Хурсандбек АРАББОВЕВ олган сурагта.

ҚОРА ҚИЛМИШ

Нафс балоси шундай офатки, иймони сустларни ўз домига осонгина тортади, қўяди. Бунда шайтон уларга далда беради: ўғирлик сенинг ҳам қўлинган келади, ишонмансанг, бир уриниб кўр. Ҳа, тезла бойимасанг, мен кафили! Бухоро шаҳрида яшовчи Наҳиддин Сайфуллаевни ўзи истиқомат қиладиган А. Жомий кўчаси аҳли қўй озидан чўп олмаганлардан деб, билардилар. Афсуски, шайтон вазасаси уни бадном қилди.

Наҳиддин ўйлаб қараса, якка тартибдаги меҳнат фаолияти «мундаражаси»ни даромадли усуллар билан бойитмас, оиласини боқолмайди. Хотини, 3 нафар балоси, бунинг устига 64 га кирган онасини ҳам боқиши керак. Бировларнинг уйда ишлаб, кимнинг касоси оқарибди-а? Бирдан бойинг учун бирорта бакуват дўконни ўмартиш керак-ов. Бунинг учун олдин «разведка»га бориш талаб эти-

лади. Шу ниятда у шаҳарнинг Бағдоддан Нақшбанд кўчасига йўл олди. «Ўзгал» ошхонасининг ёнида яхшигина дўкон бор экан. Дўкон ичида қорақўл теридан тикилган аёллар пўстини қалашиб ётибди. Ҳозир ёз, эрта-индин киш. Бир нечасини эпласа ҳамёни пулга тўлади. Дўконга фақат омондорона орқа деворини тешиб кирса бўлади.

Машинани бир чеккага қўйган Наҳиддин арматура бўлагини ушлаганча, девордан охиб тушди. Кўтаргани 9 та пўстин бўлди. Бозорда бунинг нархи фалон пул-а?! Дўконда бор-йўғи 350 миғ 796 сўм. «Кел, яхшиси ундагиларга айтмай қўяқолай, алдагани онам яхши-да!» Шу хаёл билан 7 та пўстинни онасига тутқазди.

— Ишлаганим эвазига одамлар беришиди. Бир кунимизга ярар, асраб қўйинг.

Она бечора лаққа ишонди.

Ҳақ кун ёрилавермайди-ку?! Афсуски, кингир ишнинг қийини чиқаркан. Аслида, ўғирлик 1998 йилнинг октябрь ойида содир этилган. Бу ҳақда Бухоро шаҳар ички ишлар

дан бошлаб, ўғирликка ўзининг шахсий ВА3-21033 Г 58-83 БХ машинаси билан борганили ҳамда ўғирланган молларини айнан шу машинада олиб келганини билдирса ҳам терговчи А. Ражабов судланувчининг яшаш жойига бормасдан, жиноятчининг машинасини давлатга мусодара бўлишидан қўқариш мақсадига ҳамқиллоқлари — Ромитан туманидаги «Кўргон» жамоа ҳўжалигида яшовчи Рустам Ҳожиев ва Жумаевлар иштирокида судланувчининг мол-мулки йўқ, деб уларга мулкни хатлаш протоколига имзо қўйди.

НАФС БАНДАСИ

хороқоракўли» ҳиссалдорлик жамиятига қарашли бу дўкон мудир Барот Козимов ҳам, жамият раҳбарлари ҳам ҳеч кимга лом-мим демалдилар. Аксинча Б. Козимов ўғирланган молларни сотилганга чиқариб, пулини ёнидан тўлайди. Гап-сўз ёмонда, нуфузли ташкилотда ўғирлик бўлиб деган хабар қулоққа ёмон тегади. Қозон ёпиқдигича қолса ёмонми, ахир, бош

бошқармаси ҳодимлари бир йилдан сўнг «хабар» топганлар. Суд жараянида бу сириги жумбоққа ечим излашга ҳаракат қилинганда анча нарса ойдиланди-қолди. Бухоро шаҳар 8-милиция бўлими терговчиси Азиз Ражабов ҳамда жиноят қидирув бўлими катта вакили Карим Султоновлар кўпол процессуал хатоларга йўл қўйганлар. Судланувчи Н. Сайфуллаев дастлабки тергов-

мида сўроқ қиладди ва жиноятни очади. Орадан икки кун ўтгач, жабрланувчидан ўғирлик ҳақида ариза олади. Бу ерда қани мантис, Жабрланувчи Султоновга ўғирлик ҳақида хабар бермаган ва судланувчи пўстинлар билан қўлга тулмаган бўлса, тезкор вакил бу ҳақда фол очидини? Демак, хулоса шу: ўғирлик ҳақида Султоновга хабар берилган. Аммо, касб маҳорати етишмаслигидан бу жиноятни у ҳисобдан яшириб келган.

Суд ҳукми билан судланувчи Н. Сайфуллаев ўз жазосини олди. Ички ишлар бўлими ҳодимлари А. Ражабов ва К. Султоновлар устидан эса ҳуусеий ажрим ўқилди.

■ **Қодир ЙЎЛЛИЕВ,** Бухоро шаҳар Ф. Ҳўжаев туман судининг раиси. Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири



ОСИЁ АВИАСАЛОНИ

Сингапурда осийнинг ўнинчи авиасалони очилди. У бир ҳафта давом этади. Авиасалонда 30 дан зиёд мамлакатнинг 95 та компанияси иштирок этмоқда. Тadbир давомида соҳа мутахассисларнинг анжумани ҳам бўлиб ўтади.

Осиё авиасалони 1981 йилдан буён ҳар икки йилда ўтказилиб келинаётди.

КўЧИБ ЎТАДИ

Расмий Исломобод Чеченистоннинг Покистондаги эмиссари Зелмхон Яндарибевга мамлакатдан чиқиб кетишни тақлиф қилди. Хабарларга кўра, 3. Яндарибев тез орада ўз ойласи истиқомат қиладиган Дубай шаҳрига йўл олади. Бу ердан у Афгонистон ёки бошқа араб мамлакатларига кўчиб ўтишни ният қилган.

Филлар нобуд бўлмоқда

Жанубий Африка Республикасида захарли ўсимлик истеъмол қилгани учун филлар ҳартуми фалажлашиб нобуд бўлмоқда. Швейцариялик биолог Курт Хостеттан Африка китъасида ўтказган тadbиротларидан кейин шундай хулосага келди.

Олимнинг таъкидлашича, филлар ерларнинг инсон томонидан ўзлаштирилиши боис янги жойларга кўчиб кетмоқда. Янги ерларда эса аънанавий озиқ-овқат топилаяпти.

Туркия билан ҳамкорлик

Грузия ички ишлар вазири Кахо Таргамедзе раҳбарлигидаги ушбу давлат делегацияси Туркияга жўнаб кетди. Грузия делегацияси аъзолари бу ерда туркиялик ҳамкасблари билан биргалликда халқаро террорчилик, контрабанда ва бошқа жиноятчиликларга қарши кураш муаммосини муҳокама қиладди.

диний тўқнашув

Нигериянинг Қадуна шаҳрида мусулмонлар билан насронийлар ўртасида оммавий тўқнашув юз берди. Натижада 25 киши ҳалок бўлди. Хабарда айтилишича, тўқнашулар насронийларнинг шаҳарда шариат тартиби жорий қилинишига қарши намойиш ўтказётган пайтида рўй берган.

Сайёҳлик қўлами

Ўтган йили сайёрамиздаги одамларнинг ҳар ўнинчиси сайёҳатга чиқди. Сайёҳлик соҳасидан олинган даромад ҳақми 435 миллиард АҚШ долларини ташкил этди, бу жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 11 фозига тенг. Колумбия пойтахтида очилган аънанавий халқаро сайёҳлик ярмаркасида мамлакат президенти Андреас Пастрана шуни маълум қилди.

Унинг таъкидлашича, дунёда сайёҳлик соҳасида 200 миллион киши хизмат қиладди.

ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН АКЦИЯДОРЛИК — ТИЖОРAT «ПАХТА-БАНК»И ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ БОШҚАРМАСИ

- Сиз учун «Пахта-банк» қўйидаги омонат турларини тақлиф қиладди:
 - * «Оқолтин» — мuddати 6 ой, йиллик 30 фоз;
 - * «Пахтакор» — мuddати 3 ой, йиллик 25 фоз;
 - * Талаб қилиб олингунча мuddатга — йиллик 10 фоз;
 - * 12 ой мuddатга — йиллик 36 фоз;
 - * 1 йилдан 3 йилгача мuddатга — йиллик 40 фоз;
 - * 3 йилдан 5 йилгача мuddатга — йиллик 45 фоз.
 «ПАХТА-БАНК» ОМОНАТИНГИЗНИ СИР САҚЛАШГА ВА ҲОХЛАГАН ВАКТИНГИЗДА ФОЙЗИ БИЛАН ТУЛАБ БЕРИШГА КАФОЛАТ БЕРАДИ.
 - «Пахта-банк» бўлимлари якка тартибдаги хусусий тадбиркорликни, ўрта ва кичик бизнесни ривожлантиришга банкнинг ўз маблағлари ва бошқа бюджетдан ташқари фондлар маблағлари ҳисобидан шартнома асосида, жумладан, қўйидаги мақсадлар учун имтиёзли, узоқ мuddатли кредитлар беради:
 - * дехқон ва фермер хўжалиқларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалик техникалари сотиб олиш, фермерлик ишпоотларини куриш;
 - * хомашё ва материалларни бирламчи қайта ишлаш;
 - * қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва тубдан қайта ишлаш;
 - * кичик ўлчамли, кўп меҳнат талаб қилувчи ишлаб чиқаришни ташкил этиш;
 - * халқ бадий ҳунармандчилиги ва амалий санъати буюмларини ишлаб чиқариш;
 - * сервис хизмати ва аҳолига хизмат кўрсатишни ривожлантириш;
 - * сайёҳлик индустриясини ривожлантириш;
 - * хусусий медицина ва фармацевтика ривожлантириш;
 - * маҳаллий саноатни ривожлантириш;
 - * қурилиш ва қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш;
 - * экспортга йўналтирилган ва импорт ўрини босадиган ишлаб чиқаришларни, айниқса қишлоқ жойларда усту равишда яратиш.
 - * Чет эл илгор технологияларини мамлакатимизга олиб келиш ва юқоридаги бошқа мақсадлар учун имтиёзли чет эл кредит линияларидан фойдаланишга қўмақлашади.
 - Барча бошқа соҳаларга Марказий Банк фозиз ставкаси доирасида қиска ва узоқ мuddатли кредитлар берилади. Кредитлаш ва факторинг бўйича қулай ва сифатли хизмат кўрсатилади.
 - Хусусий тадбиркорларга нақд ва нақд пулсиз ҳисоб-китоб ишларини амалга оширишда банк хизмати кўрсатилади. Бунда топширилган нақд пулларни хоҳлаган бақтда қайтариб олинishi учун банкда имконият сақлаб турилади. Тадбиркорларга микрокредитлар берилади.
 - Лизинг ёрдамида ишлаб чиқариш воситалари ва янги асосий воситалар сотиб олиш учун лойиҳалар қабул қилинади ва молиялаштирилади. Капитал қўйилmalarни молиялаштиришда қўмақлашади.
 - Юридик ва жисмоний шахсларнинг миллий ва чет эл валюталаридаги ҳисоб борақаларини юритиш, улар бўйича арзон ва энг тезкор равишда барча тўлов ҳужжатларини қабул қилиш ва бажариш ҳамда касса қириш-чиқим муомаласини амалга ошириш бўйича сифатли хизмат кўрсатади.
 - Нақд пулсиз ҳисоб-китоб ишларининг мижозининг банкка келмасдан компьютер орқали амалга оширишга имконият яратиб берилади.
 - Мамлакатимизнинг ҳар бир шаҳар ва туманларида «Пахта-банк» бўлимларининг мажбурийи унинг имкониятлари чегарасини кенгайтиради.
- СИЗНИ ҚИЗИҚТИРГАН БАРЧА САВОЛЛАР БИЛАН «ПАХТА-БАНК» ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ БОШҚАРМАСИГА 3-54-56, 3-29-56, 3-74-50, 3-35-89 ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ БҲЙИЧА ҲАМДА «ПАХТА-БАНК»НИНГ БАРЧА ЖОЙЛАРДАГИ БУЛИМЛАРИГА МУРОЖААТ ЭТИШИНГИЗ МУМКИН.

БИЗНИНГ ХИЗМАТИМИЗГА ЧЕГАРА ЙЎҚДИР!!!
БИЗНИНГ МАНЗИЛ: ҚАРШИ ШАҲРИ, НАВОЙИЙ КЎЧАСИ, 3

МУЛОҲАЗА

ГУЗАЛЛИК ЮЗИДАГИ ДОҒЛАР

Шаҳримиз гузал. Бу гузаллик инсон қўли билан яратилгандир. Баланг, кўркам бинолар, ям-яшил дарахлар, текис, кўчалар-у, гузал фавворалар, ҳамма-ҳаммаси инсоннинг буюк кашфиётларидир. Бунинг текислиги — ям-яшил бўлиб кўкариб турган дарахнинг синдириши, тоза турган йўлакни ифлослантириши, тип-тиник сувни лойқалантириши ҳам инсон қўлидан келади.

Бугун пойтахт чинакам маънода узгача тароват касб этмоқда. Юртимизга истиқлол нашдаси кириб келиши билан шаҳримиз айтгар-

ли даражада янгиланди. Кўчалардан ўтаётган ҳар бир кишини ҳаёл ўз оғушига етаклайди. Баланг-баланг кўркам бинолар-у, бу узгача чирой берувчи фаввораларга қараб туриб ўзингизни узгача бир оламда яшайётгандек ҳис қиласиз. Мени бошқа бир муаммо ўйлатади. Шаҳримизнинг қатор марказий жойларини кузатсангиз ўзга бир манзарани кўрасиз. Бекавларда, боғлар йўлакларидан аллақандай чиқиндилар, қоғозлар сочилиб ётганини кўриб гашингиз келади, дилингиз оғрийди. Эрта тондан биз ширин уйқуда ётганимизда фаррош аёл

йўлакларни супуради. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай бирор олифта йигит ёки қиз қоғоз-ниси, сигарет қолдигини ташлаб кетади. Наҳотки, инсон шу қадар тубанликка юз тута?!
Ишонгингиз келмайди. Лекин шу аснода кимнингдир pista пўчоғини ахлат кути-сига эмас, тоза турган йўлакка ташлаётганини, яна кимнингдир ям-яшил чим устидан бамайлихотир юриб ўтаётганини кўрасиз.

Қадимда ота-боболаримиз «ариққа тупурма гуноҳ бўлади», деб насиҳат қилганлар. Уша замонларда хашар йўли билан ариқ-зовурларни тозалаб, ораста қилиб кўярдилар.

Ҳозирда суви ифлосланиб, ўзи эса ахлатхонага айланган ариқлар қанча? Хўш, ота-боболаримиз қилган иш бизнинг кўлимиздан келмайди-ми? Ҳозирги кунда тарқалаётган ҳар хил касалликлар, хусусан, грипп касаллигининг тарқалишида ҳам сувнинг ифлосланиши-ю, ахлат тупланиб қолиши ҳам сабаб бўлаётир.

Юқориди айтилган гаплар ҳаммаси шаҳримиз гузаллиги доғларидир. Шу доғларнинг тушишига асосий сабаб инсондир. Демак, гузаллики яратадиган ҳам, буздирилган ҳам ўзимиз. Шундай экан озгина бўлса ҳам эътиборли бўлсак, айна мудоао бўлур эди.

■ **Хусниддин БЕРДИЕВ,**
Ўзбекистон Миллий университети талабаси

«ЧИМИЛДИҚ» БУХОРОДА

Таниқли режиссёр Мелис Абзаловнинг «Чимилдиқ» деб номланган янги кинокомедиясини бухороликлар ҳам томоша қиларди. Фильм дастлаб шаҳардаги «Бухоро» кинотеатрида, кейинчалик эса туманларда намойиш этилади.

■ **Ўз мухбиримиз**

СПОРТ

БЎШ КЕЛМА, «НАВБАҲОР»!

Эртага Наманганда қизиқарли, айна пайтда масъулиятли учрашув бўлади. «Навбахор» футболчилари Осиё кубок эгалари кубого учун чорак финал учрашувини ўтказадилар. Маълумки, наманганликлар дастлабки ўйинни Саудия Арабистонда «Ал-Аҳли» жамоаси билан ўтказиб, йирик ҳисобда (1:6) имкониятни бой беришганди. Шундан кейин мухлислар такрорий

учрашувга умид боғладилар. Бунинг учун «Навбахор» ўз дарвозаси даҳсизлигини таъминлаб, камида 5 та жавобсиз тўп киритиши лозим бўлади. Шундагина навбахорчилар ярим финалга чиқиб, Осиё кубого учун курашни давом эттириши имкониятига эга бўлишлари мумкин. Ўйлаймизки, футболчиларимиз мухлислар ишончини оқлашга ҳаракат қилишадди.

«АВТОАЛОҚА»

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ БАРЧА АКЦИЯДОРЛАРИ ДИКҚАТИГА!

2000 ЙИЛ 29 МАРТ СОАТ 9⁰⁰ ДА «АВТОАЛОҚА»

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ МАЖЛИСИ БЎЛАДИ.

МАЖЛИСНИНГ КУН ТАРТИБИ:

1. Акциядорлик жамиятининг 1999 йилдаги молия-хўжалик фаолияти тўғрисида ҳисобот.
2. Тафтиш комиссияси ҳисоботи, аудиторлик ҳулосасини ва балансни тасдиқлаш
3. 1999 йил фаолияти бўйича дивидендларни тақсимлаш.
4. Акциядорлик жамиятининг ишчи органлари ва бошқарув кенгашига ўзгаришлар киритиш тўғрисида.

Ишлак баланс «Прогресс» аудиторлик фирмаси (лицензияси МҖН 372, 1997 йил 19 июлда берилган) томонидан текширилди.

«АВТОАЛОҚА»

акциядорлик жамиятининг Низоми жамеарласи — 6640 минг сўм.

Манзил: Тошкент шаҳри, Беруний кўчаси, «Марказ-27» маъмаси, 42-АТС биноси. Кузатув кенгаши

СЎЗ ЎЙИНИ

Ўшбу бошқотирма шартли бир-бирдан бун каттакчалар билан ажратилган жуфтлик сўزلарни бирлаштиришдан иборат. Бун каттакчаларни уч харфдан иборат сўз билан шундай тарзда тўлдиришки, у биринчи сўзнинг охири, иккинчи сўзнинг бошланғичи бўлсин. Бу тартиб биринчи ўстунда келтирилган.

М	К	Ф	Ж	Ё	Х	М	Р
У	А	И	А	Н	У	У	А
А	С	К	М	У	С	А	Д
Т							
Т							
А							
Р							
К							
И							
Б	Л	З	З	М	И	Б	Б
И	Л	О	И	О	А	И	И
Й	А	Н	Я	Қ	Л	Й	Н

■ Тузувчи: Соҳиб ЭШБЎТАЕВ

ДИКҚАТ! «ФАЛЛА-АЛТЕГ»

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

Акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилиши 2000 йил 23 март куни соат 14⁰⁰ да қуйидаги манзилда ўтказилишини маълум қилади: Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Элбек кўчаси, 37-уй, жамиятнинг мажлислар залида.

КУН ТАРТИБИ:

1. «Фалла-Алтег» очик акциядорлик жамиятининг 1999 йилдаги иш фаолияти ҳақида ҳисоботи ва 2000 йилдаги вазифалари тўғрисида.
2. Жамиятнинг 1999 йилдаги молия-хўжалик ҳисоботини тасдиқлаш.
3. Жамиятнинг 1999 йил молия ва хўжалик фаолияти юзасидан аудиторлик ҳулосаси ва тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш.
4. Жамиятнинг 1999 йил молия-хўжалик ҳисоботи бўйича даромадларни тасдиқлаш ва дивидендлар миқдори ва уни бериш тартибини тасдиқлаш

УМУМИЙ ЙИҒИЛИШДА ҚАТНАШУВЧИ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ГУВОҲНОМАСИ ЁКИ ИШОНЧНОМАСИ БЎЛИШИ ШАРТ.

Маълумот учун телефонлар: 67-53-10, 67-94-50, 68-36-49

ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

САМАРҚАНД ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИ

2000 ЙИЛ РЕЖАСИ АСОСИДА ҚУРИЛАЁТГАН ИНШООТЛАРИГА КЕРАК БЎЛАДИГАН ЖИҲОЗ ВА МАТЕРИАЛЛАР БЎЙИЧА ПУДРАТ САВДОЛАРИ (ТЕНДЕРЛАР)НИ ТАШКИЛ ҚИЛАДИ ВА ЎТКАЗАДИ

№	Маҳсулотнинг номи	Ўлчов бирлиги	Маркаси	Миқдори
1.	Юқори кучлини кабель	км	ААШВу 103х120	3,5
2.	Юқори кучлини кабель	км	ААШВу103х150	2,5
3.	Юқори кучлини кабель	км	ААШВу103х35	2,70
4.	Паст кучлинини кабель	км	АПВГ 4х150	4,0
5.	Паст кучлинини кабель	км	АПВГ 4х120	3,7
6.	Паст кучлинини кабель	км	АПВГ 4х95	3,65
7.	Паст кучлинини кабель	км	АПВГ 4х70	4,0
8.	Паст кучлинини кабель	км	АПВГ 4х50	5,6
9.	Паст кучлинини кабель	км	АПВГ 4х35	3,7
10.	Паст кучлинини кабель	км	АПВГ 4х25	2,25
11.	Паст кучлинини кабель	км	АПВГ 4х16	3,2
12.	Паст кучлинини кабель	км	АПВГ 4х10	2,7
13.	Паст кучлинини кабель	км	АПВГ 4х6	1,7
14.	Паст кучлинини кабель	км	АПВГ 4х4	2,7
15.	Паст кучлинини кабель	км	АПВГ 3х4	2,3
16.	Паст кучлинини кабель	км	АПВГ 2х6	3,7
17.	Очиқ симлар	тн	АС-50	5,0
18.	Очиқ симлар	тн	А-70	3,0
19.	Паст кучлинини кабель	км	АПВГ 2х4	3,8
20.	Монтаж симлари	км	АПВ-95	3,5
21.	Монтаж симлари	км	АПВ-70	2,0
22.	Монтаж симлари	км	АПВ-50	2,1
23.	Монтаж симлари	км	АПВ-35	3,5
24.	Монтаж симлари	км	АПВ-25	5,0
25.	Монтаж симлари	км	АПВ-16	5,7
26.	Монтаж симлари	км	АПВ-10	6,7
27.	Монтаж симлари	км	АПВ-6	5,7
28.	Монтаж симлари	км	АПВ-4	25,0
29.	Монтаж симлари	км	АПВ-2,5	100,0
30.	Монтаж шнурлари	км	АПШВ-2х2,5	150,0
31.	Монтаж шнурлари	км	АПШВ 2х4	70,0
32.	Шитлар	дона	ВРУ 1-11	12
33.	Шитлар	дона	ВРУ 1-47	14

№	Маҳсулотнинг номи	Ўлчов бирлиги	Маркаси	Миқдори
34.	Шитлар	дона	ПР-11	16
35.	Шитлар	дона	ШЮГ-9	18
36.	Шитлар	дона	ШЮГ-12	16
37.	Шитлар	дона	ОПВ-12	30
38.	Шитлар	дона	ОПВ-6	36
39.	Шитлар	дона	ШРС	12
40.	Светильник	дона	ЛПО-2х40	8700
41.	Светильник	дона	ЛПО 16 1х40	1500
42.	Светильник	дона	НПП-05х200	650
43.	Светильник	дона	НСП-02х100	850
44.	Светильник ташқари учун	дона	ШАР	560
45.	Светильник ташқари учун	дона	РТП-125	350
46.	Лампочка	дона	ЛБ-40	10200
47.	Лампа 100 Вольт	дона	100 Вт	1500
48.	Лампа	дона	ДРТ-125	910
49.	Трансподстанция	к-т	2ГКП-630-10 с ТМ-400-10	3,0
50.	Трансподстанция	к-т	2ГКП-400-10	3,0
51.	Телефон кабеллари	км	ТПП-50х2х0,4	5,0
52.	Телефон кабеллари	км	ТПП-30х2х0,4	3,5
53.	Телефон кабеллари	км	ТПП-20х2х0,4	3,7
54.	Телефон кабеллари	км	ТПП-10х2х0,4	4,3
55.	Телефон симлари	км	ТРП 2х0,4	25
56.	Радио симлари	км	ПТТДЖ 2х0,4	25
57.	Вентиляторлар	дона	ВКР-5	16
58.	Вентиляторлар	дона	ВКР-4	12
59.	Вентиляторлар	дона	ВЦ 4-75 №6,3	12
60.	Вентиляторлар	дона	ВЦ 4-75 №5	16
61.	Вентиляторлар	дона	ВЦ 4-75 №4	12
62.	Вентиляторлар	дона	ВЦ 4-75 №3,15	12
63.	Калорифер	дона	КВС-6	18
64.	Калорифер	дона	КВС-8	16
65.	Вентилятор	дона	ВЦ 4-75 №2,5	13
66.	Фальш	дона	ФЯЦ	68

МАНЗИЛ: САМАРҚАНД ШАҲРИ, КҲКСАРОЙ МАЙДОНИ, 2 А УЙ, КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИ. ТЕЛЕФОНЛАР: (3662) 35-33-38, 31-13-51, 35-80-78

ФАКС: 31-10-93.

«ОҚТОШДОН»

очик турдаги акциядорлик жамияти акциядорлари диққатига!

2000 ЙИЛ 15 МАРТ КУНИ СОАТ 10⁰⁰ ДА «ОҚТОШДОН» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ КЛУБИДА

«ОҚТОШДОН»

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ ЎТКАЗИЛАДИ.

Йиғилиш кун тартиби

1. «Оқтошдон» акциядорлик жамиятининг 1999 йил молиявий хўжалик натижалари бўйича бошқарув раисининг ҳисоботи.
2. «Оқтошдон» акциядорлик жамиятининг 1999 йил молия хўжалик йили фаолиятдан олинган фойдадан дивиденд миқдори-ни тасдиқлаш.
3. Бошқа масалалар.

«ОҚТОШДОН»

А.Ж. КУЗАТУВ КЕНГАШИ

ТУЗАТИШ
Газетанинг 2000 йил 19 февраль 22 (25.572) сон 2-бетда чоп этилган Республика Қўмас мулк биржасининг Танлов савдоси эълонининг учинчи хатбосидаги «Бошлангич баҳоси 44, 55 минг АҚШ доллари» жумласи «Бошлангич баҳоси 64, 55 минг АҚШ доллари» деб ўқулсин.

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари жамоаси фотожурналист Абдувоҳид Тураевга волидаи муҳтарамаси

МУНИСА аянинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

БОШ МУҲАРРИР

Азим СУЮН

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ

Абдулла ОРИПОВ

Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ

Азиз НОСИРОВ

Қозоқбой ЙҮЛДОШЕВ

Ислам ШОҒУЛОМОВ

Норбобо ШАКАРОВ

(бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)

Алишқул СУЛТОНОВ

(бош муҳаррир ўринбосари)

Андрей ОРЛОВ

(бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)

Бахтиёр ҲАМИДОВ

(масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)

Валерий ЛАБАРЕШНИХ

(масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

МУАССИС:



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Сўбат — 133-44-55

Иқтисодиёт — 133-76-04

Маънавият — 133-07-20

Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16

Ахборот — 133-12-56

Котибият — 133-21-43

Факс — 133-47-80, 133-38-55, 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУҲБИРЛАРИ:

Андижонда — 25-16-16;

Бухорода — 23-51-40;

Гулистонда — 25-16-22;

Жиззахда — 3-29-44;

Навоида — 3-39-20;

Наманганда — 6-43-43;

Нукусда — 222-70-12;

Самарқандда — 35-20-54;

Тошкентда — 136-12-56;

Урағида — 226-51-35;

Фарғонада — 26-46-84;

Қаршида — 4-61-35;

Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи Кўчкор НОРҚОБИЛ

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Саҳифаловчи-дастурчи **Бахтиёр ЖУМАНОВ**

«Шарк» нашрийт-матбаа концерни босмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан Ўтати тартиби № 00004